

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МУСИҚАЛИ ТЕАТР (Янгийўл мусиқали драма ва комедия театри тарихидан)

Нодирова Дилобар Тўлкиновна

Мусиқашунос, танқидчи

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўзбекистон тарихидаги энг биринчи мусиқали драма ва комедия театри – Янгийўл мусиқали драма ва комедия тарихи ҳақида баён этилган. Унинг тарихи, ташкил топиви, фаолият кўрсатган санъаткорлар ва саҳналаштирилган асарлар ҳусусида ҳам келтириб ўтилган.

***Калит сўзлар:** Театр, Янгийўл, мусиқали драма, асарлар, Муқимий театри, тарих, биринчи, мусиқа, Юнус Ражабий, шогирдлар, ансамбль.*

XX-асрнинг ўрталарида ташкил этилган Янгийўл мусиқали драма театри театр тарихий аҳамиятга молик йўлни босиб ўтди. Ушбу соҳада етакчи сифатида тан олинган Муқимий номидаги пойтахт театри бугунги кунгача фаолиятини юритиб келмоқда. Аммо шунинг таъкидлаш жоизки, Янгийўл театрининг ҳам ушбу марказий театрга таъсири бор.

Бундан 70 йил муқаддам ўзбек мусиқа маданияти тарихида муҳим воқеалардан бири содир бўлган: “Янгийўл мусиқали драма театри” ўз фаолиятини бошлади.¹ Ушбу театр ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантириш, мусиқали театрлар ижодий жараёнини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарларидан Усмон Юсупов (1900-1966) ташаббуси билан очилган. Театр ҳусусида Усмон Юсуповнинг Ҳалқободдаги уй музейида сақланаётган манбалардан бирида қуйидаги маълумотни топдик:

¹ Жамоа дастлаб-“Тошсовет номидаги Янгийўл театри” дея аталган. Балки бундай номланишига “Моссовет”(1923) театри сабабчи бўлгандир.

“Суронли йиллар фронт эҳтиёжларини қондириш билан бирга маданият ва маънавиятни сақлаб қолиш ҳам зарур эди. Шу мақсадда Усмон Юсупов ташшабуси билан Янгийўл мусиқали драма театри ташкил этилди. Бу ерда кўплаб улкан сиймолар жумладан Шерозий, Ойбек, Юнус Ражабий ва бошқа улуг зотлар хизмат қилдилар. Бу иш қонунга ҳилоф бўлсада, моддий жиҳатдан қийналиб қолган истеъдодли зиёлиларни қўллаб-қувватлаш ва сақлаб қолиш ниятида Усмон Юсуповнинг тўғридан-тўғри кўрсатмаси билан қилинган эди”¹. Қолаверса музейда ушбу театр билан боғлиқ кўплаб далилларни учратишимиз мумкинки – У. Юсупов ва Ҳ.Носирова, Х.Олимжон, К.Жабборов, М.Ашрафийлар ҳақида қимматли маълумотлар сақланган.

Шундан келиб чиқадики, ўша даврда барча санъат вакиллари, яъни ёзувчи – шоирлар ва драматурглар, бастакор ва композиторлар, хонанда ва созандалар йиғилиб, ҳамжиҳатликда ижодий кечалар уйиштиришгани, турли мавзуларда қизгин суҳбатлар олиб боришгани ва шу суҳбатлардан янгидан янги лойиҳалар, асарлар бунёд бўлиб, мазкур театр саҳнасида қисқа вақт ичида қўйилган (“Ўзбекистон қиличи”, “Қурбон Умаров”) асарлар борасида қизиқарли мисоллар келтиришимиз мумкин.

Янгийўл театрида етишиб чиққан таниқли санъаткорлар кейинчалик Муқимий театрида ишлашган. Қолаверса, мусиқали драма ва комедиялар яратишда бастакор ва композиторларнинг ижодий ютуқлари, асарларнинг таҳлили, камчиликлари, ҳамжиҳатликда бирга ижод қилишган. Бунда асосан Юнус Ражабийнинг ҳизмати беқиёс бўлган. Шу театр қошида мақом ансамбли ҳам ташкил этилган.

50-йиллардан эътиборан умуман Ўзбекистоннинг мусиқа маданияти тарихида ва хусусан мусиқали театр соҳасида улкан ўзгаришлар юз бера бошлади. Янгийўл театри замирида мусиқий ва адабий ҳаётимизга бирин-кетин истеъдодли ва юқори малакали ёш композиторлар, ёзувчи-драматурглар, дирижёрлар, хонандалар, созандалар ва бошқа театр мутахассислари кириб кела

¹ Усмон Юсупов уй музейи витриналаридаги архив маълумотларидан.

бошладилар. Уларнинг фаол ижодиёти туфайли муסיқий маданиятимизда янги муסיқали драмалар пайдо бўлди. Аммо уларнинг аксарияти тўлиқлигича сақлангани йўқ. Умуман, муסיқали театрнинг тарихини умумлаштириб шундай асосий хулосалар чиқариш мумкин:

- Мазкур театр ўзининг КАМОЛОТ босқичига интилиб, Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида ўзига хос роль ўйнайдиган театрга айланди.
- Ушбу театрнинг ютуғи шунда бўлдики, кекса ижодкор авлодлар сафига юқори малакали, истеъдодли композитор, драматург, дирижёр, режиссёр, балетмейстер, рассом, актер-хонанда, созанда ва бошқа мутахассислар кириб келди. Уларнинг изланишланишлари натижасида, театр тарихида турли мавзулардаги муסיқали драма ва комедиялар яратилди.
- Шунини айтиш лозимки, бу даврда яратилган энг яхши бадиий саҳна асарлар халқимизга ватанпарварлик, мухаббат, дўстлик, олийжаналик, қаҳрамонлик каби туйғуларни кўрсатиб беришга муяссар бўлди.
- Бевосита камчиликларни айтадиган бўлсак, айрим асарлар композиторлар (масалан Н.Миронов) томонидан шошма-шошарлик билан ёзилган. Бир қатор муסיқали драмаларда спектакль қонунлари ва ўзига хос талабларга аҳамият берилмаган. Баъзи бир асарлар қисқа вақтда ёзилиб, концерт номерларига ўхшаб қолган.
- Уруш даврида яратилган ва саҳна юзини кўрган кўп муסיқали асарларни асосий камчиликлари шундаки, басталанган куйларнинг таъсири, жарандорлиги кам. Баъзи ўринларда халқ муסיқасидан фойдаланиб, уни бузиб ишлатилган.
- Мазкур театр тарихини, саҳна асарларнинг тўлиқ вариантлари, шу театрда ишлаб хизмат қилган санъаткорлар ҳақида маълумотларни йўқ бўлиб кетганлигини ҳам салбий жиҳатларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пути развития узбекской музыки. Ленинград- Москва; 1946.
2. А.Жабборов. “Муסיкий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида”.Тошкент.,2000.
К.Кузнецов. Муסיкий тарихий портретлар.Москва.,1937.102-б.
3. Истиклол ва миллий театр-Тошкент: “Янги аср авлоди”,2002.218-бет.
4. Ўзбекистон санъати(1991-2001) “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти,Тошкент 2001
5. М.Рахмонов “Ўзбек театри тарихи”.Тошкент,1968